



М.Усмановни «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, №ПФ-5101, 4 июль 2017 йил

Давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларидаги кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати, ибратли ижтимоий фаолияти билан Ватанимиз мустақиллигини, унинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, ёш авлодни жисмоний ва маънавий етуқ инсонлар этиб тарбиялаш ишига қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Мираброр Зуфарович Усманов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев

Ҳужжат матни Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтидан олинди:
<http://prezident.uz/uz/lists/view?id=739>

